

Соғлом турмуш тарзи — фаровон ҳаёт гарови

2012 йил 6 апрелда «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга киради. Ушбу қонун алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Спиртли ичимлик ичиш ва тамаки чекишнинг зарари, хусусан, алкоголь ва никотинни «маданий» захарга қийслаб, киши бошига келтирадиган мусибат ва кулфатлар ҳақида кўп гапирилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, мастлик ҳолати билан боғлиқ касалликлар ва шикастланишлар оқибатида ҳар йили ер юзиде 2,5 млн. киши ҳаётдан кўз юммоқда. Улардан 15-29 ёшлилар сони ўрта ҳисобда 320 минг нафарни ташкил этади. Бутун жаҳонда катта ёшлилар ўлимининг 12 фоизи кашандалик оқибатлари туфайли юз бераётир. Тамаки тутунидаги захарли моддаларнинг айнан ён-атрофдагилар соғлиғига салбий таъсири жуда ҳам кучли. Маст ҳолатдаги одам олдида нафақат яшаш, балки ҳозир бўлиш ҳеч кимга хуш келмайди. Зотан, алкоголь, кашандалик ва насл тозалиги — бир-бирига мутлақо зид тушунчалардир. Соғлом зурриётга эга бўлиш ота-онанинг соғлом турмуш тарзига

боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, юқоридаги қонун том маънода, келажак авлод саломатлигини кўзловчи муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир. Ушбу қонун фуқаролар, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоялашга, энг муҳими, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитини яратишга хизмат қилади.

Одатда, киши 20 ёшга тўлгандагина шахс сифатида тўлақонли шаклланган ҳисобланади. 20 ёшгача барча зарарли таъсирлар (жумладан, алкоголь ва тамаки) инсонда уйғун ривожланиш жараёнининг сезиларли даражада бузилишига олиб келади. Бунинг оқибатида нафақат шахснинг жисмоний ривожланиши заифлашади, балки бундан оилалар ва жамият зарар кўради. Қонуннинг 13-моддасига биноан, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга, таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан беш юз метрдан кам радиусда жойлашган савдо объектларида, улар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаса, акциз маркалари билан тамғаланмаган ҳолда (пиводан ташқари) ёки акциз маркалари қалбаки бўлганда, уларнинг ишлаб чиқарувчисини аниқлаш имконини берадиган тарзда аниқ тамғаланмаган бўлса, доналаб, қутисиз (тамаки маҳсулотига нисбатан), уларни ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, уларни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки етказиб беришни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширган маҳсулот етказиб берувчидан олинган бўлса, реализация қилиш

мумкин

эмас.

Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг 15-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойларда уларни йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Қолаверса, қонунда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдосини амалга оширувчи шахслар мазкур маҳсулотларни йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотганлиги учун жавобгарлик мустаҳкамлангани ҳам мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсиридан фуқаролар саломатлигини ҳимоялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлаш вазифалари ҳам қонун нормаларида белгилаб қўйилди.

Эътиборлиси, мазкур қонуннинг алоҳида моддаси билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳаллалар шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги иштироки ҳам белгиланган. Жумладан, 10-моддада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги давлат дастурларининг, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни ёйишга қаратилган профилактика тадбирларини амалга ошириш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилгани айни муддаодир. Боиси, бугун маҳаллалар давлат дастурларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда энг таъсирчан институтга айланди. Қолаверса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида инсон саломатлигига салбий таъсир ўтказадиган, улар онгини ёт иллатлар билан заҳарловчи турли оқимларга қарши курашиш, изчил тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб боровчи фаол ва мустақил институтдир. Шунингдек, қонуннинг 19-моддасига кўра, иш жойларида, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди. Алкоголь маҳсулотини қуйиб реализация этишга рухсат берилган савдо ва умумий овқатланиш объектларига, тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналар ҳамда маросимлар ўтказиладиган жойлар бундан мустасно.

Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида, шунингдек, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди.

Мазкур қонун мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини сақлашга оид давлат сиёсатини белгилаши, мавжуд қонунчилик базасини тўлдириши баробарида эзгу мақсадлар учун хизмат қилиши тайин. Қонун ижросини таъминлаш нафақат давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, балки ҳар биримизнинг инсоний, фуқаролик бурчимиз.

Бир сўз билан айтганда, жамиятимиз, аввало, оилаларда, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, қонун мазмун-моҳиятига доир аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш долзарб вазифа.

Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.
Маҳалла, 23 февраль 2012 йил.